Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 21-sentabr, shanba № 116 (3309)

Тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик — Ўзбекистон давлатининг учта устунидир.

Ислом КАРИМОВ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари учун халқаро стандартларга мос дастурий таъминот воситаларини республикада ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, сифатли, рақобатбардошли дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш юзасидан мамлакатимиз ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек, уларнинг маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илдам силжитишга кўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестрини тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри software.uz Интернет-порталида жойлаштирилган дастурий маҳсулотлар ва ишлаб чиқувчиларнинг миллий каталоги негизида яратилади;

Миллий реестр электрон шаклда он-лайн режимида юритилади;

ўз дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва сотишдан олинган даромадлари улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар Миллий реестрга ихтиёрий ва бепул асосда киритилади.

2. Қуйидагилар Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилар миллий реестрини юритишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари тўғрисидаги ахборотнинг ягона электрон банкини яратиш ва истиқболли лойиҳаларни ҳамда инновацион компютер технологияларини яратиш билан машғул бўлган истеъдодли ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш;

миллий дастурий маҳсулотларнинг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бозорининг ҳолати ва салоҳияти тўғрисида ахборот бериш;

ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли бўлган, сифатли миллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишнинг устувор йўналишларини белгилаш;

мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчиларининг манфаатларини ифодалаш, уларга ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илдам силжитишда кўмак бериш.

3. Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестрини шакллантириш, юритиш ва янада ривожлантириш вазифалари Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси зиммасига юклансин.

4. Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2017 йилнинг 1 январига қадар муддатда:

барча турдаги солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фондига, бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технология ҳужжатлари, дастурий таъминот воситаларига бож тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

5. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

мазкур қарор 4-бандининг 2-хатбошида назарда тутилган солиқ имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар Миллий реестрга киритилган юридик шахслар – дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг ходимларини рағбатлантириш, моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилади;

Миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар учун ушбу қарорда назарда тутилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати, агар уларнинг ўзлари ишлаб чиқарган дастурий таъминот воситаларини экспорт қилиш ҳажми улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этган тақдирда, 2 йилга узайтирилади.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сонли фармонининг амал қилиши Миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларига, агар улар хонадонларда ишловчи (касаначи) жисмоний шахслар билан меҳнат шартномалари тузадиган бўлсалар, татбиқ этилсин;

юридик шахслар фойдасига солинадиган солиқ ва ягона солиқ тўлови бўйича янги технология ускуналарини харид қилиш чоғида солиққа тортиладиган базани камайтиришга доир амалдаги тартиб республика корхоналари ва ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги Инвестиция дастурига киритиладиган ахборот тизимларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дастурий таъминот воситаларини сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар миқдорига жорий қилинсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Миллий реестрга киритилган юридик шахслар – дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ҳамда хизматларни Интернет тармоғининг он-лайн дўконлари орқали экспорт шартномаси мавжуд бўлмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда икки ой муддатда Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, унда дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ташқи савдо операцияларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

9.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 20 сентябр



Наманган вилояти Чуст туманида фаолият юритаётган «БТ-2001» масъулияти чекланган жамияти 2001 йилда ташкил топган. Корхонада металл хом ашёсидан мебел фурнитуралари, эшик ва дераза осмалари ва тутқичлари ишлаб чиқарилади.

Ҳозирги кунда корхонада 55 нафардан зиёд ишчи фаолият юритмоқда.

Хитой Халқ Республикасидан металл сиртига голваник қоплам бериш линияси олиб келинди.

Ушбу линия тўла қувват билан ишласа, яна 15 нафардан зиёд фуқаро иш билан таъминланади.

**Суратда: ишчи Улуғбек Давронов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат**

# Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд

**Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда Ўзбекистон ва Қозоғистон илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, таҳлилий марказларининг экспертлари, ташқи ишлар вазирликлари вакиллари, шунингдек, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган қатор хорижий давлатлар дипломатик миссияларининг раҳбарлари иштирок этди.

Ушбу давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббус илгари сурилганининг 20 йиллиги ва Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартнома имзоланган санага бағишланди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг профессори Н.Тўлаганова ядро қуролини тарқатмаслик соҳасидаги халқаро тажрибани пухта ўрганиш асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг мазкур ташаббуси глобал хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатларнинг деярли барчаси томонидан, шунингдек, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Давра суҳбати иштирокчилари Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги роли ва аҳамиятига юксак баҳо бердилар. Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Б.Жексембиннинг таъкидлашича, минтақа давлатлари ушбу шартномани имзолаб, ядро қуролини тарқатмасликка оид халқаро ҳуқуқ норма ва тамойилларига қатъий риоя қилиш тарафдори эканини билдирди. Элчининг фикрича, Ўзбекистон ва Қозоғистон минтақада оммавий қирғин қуролларини қисқартириш ва ядро қуролини тарқатмаслик режимини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшди. Бу эса икки мамлакатнинг глобал миқёсда ядровий қуролсизланиш соҳасидаги замонавий ва долзарб муаммоларга қарашлари бир-бирига мослигидан далолатдир.

Экспертлар жаҳонда ядро қуролини тарқатмаслик режимига оид бугунги энг муҳим омиллар билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Ядро қуролини тарқатмаслик соҳасидаги хавф ва таҳдидларга бағишланган конструктив мунозаралар чоғида ядровий технологиялар ва материалларни ноқонуний кўчириш, уларнинг нодавлат субъектлар қўлига тушиб қолиши, ҳудудларнинг радиоактив заҳарланишининг олдини олишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон ўзини келажак авлодларга тинч ва барқарор тараққиётни кафолатлайдиган, ядро қуролини тарқатмасликнинг универсал, очиқ ва адолатли тизимини шакллантиришнинг қатъий ва изчил тарафдори сифатида намоён қилганлигини алоҳида таъкидладилар. Экспертлар қайд этганидек, Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсати, шу жумладан, ядро қуролини тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш борасидаги аниқ саъй-ҳаракатлари, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг жаҳонда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасидир.

Тадбирда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартнома ва Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани самарали амалга ошириш борасида Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини мустаҳкамлаш истиқболлари хусусида ҳам фикр алмашилди. Қозоғистон стратегик тадқиқотлар институти вакилларининг таъкидлашича, замонавий таҳдид ва хавфларга қарши кураш борасида мунтазам маслаҳатлашувлар ва амалий ҳамкорлик бўйича яхши тажриба тўпланган. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг Марказий Осиё давлатларининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигига оид қарашлари бир-бирига мос.

Минтақавий хавфсизлик соҳасида давлатлараро ҳамкорлик жадал ривожланаётганлигини қайд этган экспертлар муҳокама қилинган масалалар бўйича бўлиб ўтган батафсил ва амалий мулоқотлар ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончга асосланган Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

**Бобур ОБИДОВ, ЎзА мухбири**

## Касаба уюшмалари — мустақиллик йилларида

**Мамлакатимизда турли жабҳада олиб борилаётган ислоҳотларга назар ташларканмиз, фуқароларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари, аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофазалаш, ишчи-ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мислсиз чора-тадбирлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз. Бу жараёнда касаба уюшма ташкилотларининг ҳам муносиб улуши борлиги барчамизга аён.**



# Инсон қадри ҳар нарсадан улуғ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан жорий йилнинг 2 август куни ўтказилган «Ижтимоий шериклик барқарор ижтимоий-меҳнат муносабатларини таъминлашнинг омили сифатида: Ўзбекистон тажрибаси ва янада ривожлантириш истиқболлари» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияда ҳам бу борадаги ютуқлар эътироф этилди. Айтиш жоизки, касаба уюшмалари ўз олдига қўйган устувор йўналишлар доирасидаги фаолиятини йилдан-йилга такомиллаштириб бормоқда. Меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, улар ва оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш, бошланғич ташкилотлар нуфузини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар шулар жумласидан.

**Тошкент шаҳри**

Айни пайтда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимларининг диққат-эътибори ҳам Давлат дастурлари ҳамда ЎзКУФК Раёсат қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган.

*(Давоми 2-саҳифада).*

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

2014 йил учун обуна бўлишни унутманг

Ishonch
2013-yil 21-sentabr № 116 (3309)

# Инсон қадри ҳар нарсадан улуғ

*( Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

## Муштарак манфаатлар

Жорий йил Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан санаторийларда 13 нафар кўп болали, эҳтиёжманд аёлнинг соғломлаштирилишига ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан 6 млн. 207 минг, 20 нафар тиббиёт ходими учун 13 млн. 660 минг, 15 нафар ёш оила вакилларининг «Умид гулшани» санаторийсида даволанишига 9 млн. 82 минг сўм ажратилди.

Пойтахт корхона, ташкилот ва муассасаларида имзоланган жамоа шартномаларига киритилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар орқали 1168 та корхонада 3153 нафар кам таъминланган оила вакилига 286 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 45 та корхонада мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун янги оила қурган ёшларга (579 та оилага) корхона ҳисобидан 546,2 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар берилди. 33 та корхонада олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 262 нафар талаба учун шартнома пулларининг бир қисмини қоплашга 199,5 млн. сўм сарфланди. 203 та корхонада фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача тўлгунга қадар бўлган 417 нафар ёш онага 80,2 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 73 та корхонада кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 281 нафар фарзанди учун 18 млн. сўмлик ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилинди. 24 та нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 53 нафар болали аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Бундан ташқари, Дастур доирасида жамоа шартномаларига киритилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар орқали меҳнаткашларга дори-дармон олиб бериш, уй-жойларини таъмирлаш, коммунал хизмат учун тўловларни қоплаш, санаторий-профилакторийга йўлланмалар ажратиш борасида 367 та корхонада 1435 та ёлғиз кекса фуқарога маъмурият томонидан 263,5 млн. сўм, касаба уюшма маблағидан 31,8 млн. сўм сарфланди.

Масъул ташкилотчилар, касаба уюшма туман кенгашлари, бирлашган ва бошланғич касаба уюшмалари томонидан 1667 та корхона, ташкилот ва муассасада «Маънавият соатлари» ўтказилди. Уларда 175 мингдан зиёд киши иштирок этди. Шунингдек, туман ҳокимликлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Байрам тадбирлари муносабати билан меҳнат фахрийлари, корхоналар оталиғидаги маҳаллаларнинг нуронийлари, кўп болали оилаларга совғалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, концертларга чипталар берилди. Корхона, ташкилотларда касаба уюшмалари маблағларидан 957 нафар эҳтиёжманд ишчи-хизматчига 65 млн. сўмдан зиёд турли шаклда моддий ёрдам кўрсатилди. Эҳтиёжманд оилаларни рағбатлантириш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ўн нафар аёлга кир ювиш машинаси топширилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг касаба уюшма қўмиталари ҳамда маъмурияти томонидан 1550 нафар ишчи-хизматчи ҳамда улар оила аъзоларининг қадимий ва навқирон Самарқанд, Хива шаҳарларига саёҳати уюштирилди.

Касб-ҳунар коллежларининг 2012-2013 йилги битирувчиларини ишга жойлаштириш юзасидан 33 минг 773 нафари билан 3 томонлама шартномалар тузилган.

«Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида эҳтиёжманд оилалар фарзандлари,«Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларининг истироҳат ва ҳайвонот боғларига, «Ўзбекмузей» жамғармаси томонидан пойтахт музейларига оммавий саёҳатлари уюштирилди. Болалар бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови ўтказилди. Тармоқ касаба уюшмалари шаҳар кенгашлари туман «Баркамол авлод» марказлари билан ҳамкорликда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Биз — бир оила, катталар, кичиклар буюк келажакни бирга қурамиз» акциясини ташкил этди.

Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан «Бахтли болалик мамлакати» шиори остида эҳтиёжманд оилалар фарзандлари ва таълимда юқори натижаларга эришган ўқувчиларнинг Республикамизнинг қадимий жойларига саёҳати ташкил қилинди. «Йўловчитранссервис», «Ўзшаҳарсозлик» ЛИТИ ДУК, «ЎзГАШЛИТИ», «Ўзоғирсаноатлойиҳа», Гипрогор, «Бошплан ЛИТИ», «12 трест», «Таштрансервис» МЧЖ корхоналарида меҳнат қилаётган ишчиларнинг фарзандлари учун Бобур, Мирзо Улуғбек ва бошқа истироҳат боғлари аттракционларига, Тошкент ҳайвонот боғига 1540 дона чипта тарқатилиб, бу мақсадларга 6 млн. 500 минг сўм сарфланди.





Ички ишлар бош бошқармаси идораси ва тизимларида хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандларига Ўзбек Давлат циркига 2500 та чипта олиб берилди. «Болалар — бахтли келажагимиз» шиори остида маърифий тадбир ўтказилиб, 1120 нафар бола Ғафур Ғулом, Мирзо Улуғбек номли истироҳат боғларида кўнгилли дам олишди. Шунингдек, болалар соғломлаштириш оромгоҳларига 122 та имтиёзли йўлланма ажратилди.

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш бўйича жорий йилнинг ёз мавсуми давомида 58 та оромгоҳ, шундан 22 та стационар ва 36 та кундузги мактаблар қошидаги оромгоҳ фаолият кўрсатиб, уларда 43 минг нафардан зиёд бола, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан режадаги 1970 нафардан ташқари, яна беш юз нафарга яқин ўғил-қиз соғломлаштирилди. Стационар оромгоҳларда 27 мингдан зиёд бола, мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда эса 16 мингдан ортиқ ўқувчи дам олдирилди.

Тошкент шаҳри



### Назорат амалий бўлса...

Инсон соғлом бўлсагина, хотиржам меҳнат қилади, оиласи ва жамиятга наф келтиради. Шу боис ишчи-ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, касб билан боғлиқ нохуш ҳодисалар олдини олиш касаба уюшмаларининг доимо диққат-эътиборида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, ЎзКУФК, Савдо-саноат палатаси ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишувга асосан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатасининг шаҳар ҳудудий бошқармаси ўртасида 2011-2013 йилларда аҳоли ва меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан келишув қабул қилинган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2013 йилнинг биринчи ярмида жамоа шартномалари асосида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 6 мингдан ортиқ тадбирлар амалга оширилиб, уларга 2,3 млрд. сўм сарфланди. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан хизмат кўрсатилаётган бошланғич касаба уюшма қўмиталари сони 3924 тани ташкил этади. Шу давр мобайнида меҳнат муҳофазаси йўналиши бўйича корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганиб чиқилганда, қарийб 532 та ҳолатда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонун, қоида ва меъёрлар бузилиши ҳолатлари аниқланиб, иш берувчиларга тақдимномалар киритилди. Касаба уюшмаларининг аралашуви билан 87 фоиз камчилик бартараф қилинди.

Ҳар бир бахтсиз ҳодиса бирлашма кенгаши кенгайтирилган мажлисларида муҳокама этилмоқда. Бугунги кунда жабрланувчиларга товон пуллари, бир йўла ва ҳар ойда бериладиган нафақалар касаба уюшма ташкилотлари томонидан назоратга олинган, бу йўналишда узилишларга йўл қўйилмаслиги юзасидан барча чоралар кўрилмоқда. Содир бўлган ҳар бир бахтсиз ҳодиса юзасидан қонунда белгиланган тўловлардан ташқари жабрланувчига меҳнат қилган корхона раҳбарияти, касаба уюшма ташкилоти томонидан даволаш-профилактика муассасаларига йўлланмалар берилмоқда. Қолаверса, уларнинг дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказилиши доимий назоратга олинган.

***

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар ижросини таъминлаш ва ушбу масаланинг долзарблигини инобатга олган ҳолда ҳамда Федерация Кенгашининг кўрсатмаларига асосан бирлашма кенгаши меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда корхона ва ташкилотларда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши юзасидан 2013 йилнинг март-июн ойларида туман ҳокимликлари билан биргаликда семинарлар ўтказилди.

Айтиш жоизки, бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш жараёнида йўл қўйилаётган камчиликларга ушбу вазифани қай тариқа амалга ошириш юзасидан тегишли тушунчага эга эмаслик сабаб бўлмоқда. Шу ҳамда туман ҳокимликлари билан ўтказилган семинарлардан тушган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олиб, шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг июл-сентябр ойларида бюджет ташкилотлари (таълим, фан ва соғлиқни сақлаш муассасалари)да меҳнат муҳофазасига масъул ходимлар билан 2 кунлик ўқув машғулотлари ўтказилди. Ўқув машғулотларида барча 1400 та бюджет ташкилотидан меҳнат муҳофазаси вазифалари юклатилган ходимлар ҳамда жойларда меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган мингга яқин вакиллар, иш берувчилар, касаба уюшма ташкилотлари раислари ҳам қатнашдилар. Ўқув машғулотлари иштирокчиларига Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, методик қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар, соҳага тегишли сўнгги пайтда қабул қилинган Низомлар ва бошқа ҳужжатлар тўпламининг электрон вариантлари тарқатилди. Туманларда ўтказилган машғулотлар давомида 1,5 мингдан ортиқ саволлар келиб тушди ҳамда уларга тегишли мутахассислар ва шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ходимлари томонидан жавоб қайтарилди. Ўқув курсларини тамомлаган ходимларга гувоҳномаларни топшириш ишлари давом этмоқда.

### Ижро масъулияти

— Галдаги вазифаларимиз ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари орқали меҳнат шароитларини яхшилаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, санитария-гигиена талабларига жавоб берувчи иш ўринларини яратиш, ходимларнинг дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш, аёллар ва вояга етмаган фуқароларнинг хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли ишловчиларга етказилган зарар тўланишини таъминлашдан иборат, — дейди бирлашма кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшанхон Маҳамадалиев. — Бугунги кунда касаба уюшма ташкилотлари раислари корхона ва ташкилотларда иш жойларини шаҳодатдан ўтказиш, содир бўлаётган ҳар бир бахтсиз ҳодисанинг статистик ҳисоботини рўйхатга олиш билан банд бўлмай, уларнинг олдини олиш ҳақида кўпроқ бош қотириши зарур.

Кўпинча ходимларнинг лавозим мажбуриятларида белгиланган вазифалардан четга чиқиш ҳоллари, билими, мутахассислиги тўғри келмаган ишларни амалга оширишига касаба уюшмалари ўз ваколати доирасида муносиб тарзда тўсқинлик қилиши, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун замин яратиши лозим.

### Эътибор ҳамма учун

Федерация Кенгаши томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан бири — нодавлат секторда касаба уюшмаларини тузиш ва аъзоларни жалб этиш борасида сезиларли натижалар қайд этилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 262 та бошланғич ташкилот тузилиб, ундаги аъзолар сони 4283 нафарни ташкил этди. Шундан 198 таси Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тармоғи ҳиссасига тўғри келади. Ушбу ташкилотларда 2817 киши касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди. Мазкур йўналишдаги ишларни жадаллаштириш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича мониторинг гуруҳи тузилган. Гуруҳ вакиллари ҳар ойда ҳисобот йиғилишини ўтказиб, жойларда аъзолик афзаллиги борасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

* * *

Эрта бугундан бошланади. Эртани ўйлаб бугун амалга оширилиши керак бўлган юмушлар жуда кўп. Бу, ўз навбатида, ҳар бир кишидан ташаббускор бўлишни, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашишни тақозо этади.





зА суратлари.

## Бошланғич ташкилотларда

**Ўзбекистон «Сифат» маркази Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги унитар корхона ҳисобланиб, 13 та лабораториядан иборат. Ушбу лабораториялар республикамизнинг барча вилоятларида жойлашган бўлиб, пойтахтдаги марказ орқали молиялаштирилади.**

# Шароит бор, демакки...

Ҳудудий лабораторияларда HVI, яъни юқори унумдор синов ускуналари ўрнатилган бўлиб, республикамиз бўйича етиштирилаётган пахта толасини синовдан ўтказади. Синов натижаларига кўра, мувофиқлик сертификати берилади. Шунингдек, марказда пахта намуналаридан ташқари пахта момиғи, пахта, чигит, ёғ ва ёғ маҳсулотлари ҳам назоратдан ўтказилиб, сертификат тақдим этилади.

Касаба уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, меҳнаткашлар ўртасида касаба уюшмаларининг мавқеини янада юксалтириш мақсадида ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг шаҳар босқичида мазкур марказ касаба уюшма қўмитаси 2-ўринни қўлга киритди.

— Корхонадаги ходимларнинг барчаси касаба уюшма қўмитаси аъзоларидир, — дейди Ўзбекистон «Сифат» маркази касаба уюшма қўмитаси раиси Шоҳида Бегимқулова. — Ишга янги келган ходим кадрлар бўлимидан тўғридан-тўғри касаба уюшмаси қўмитасига таклиф этилади. Унга касаба уюшмасининг афзалликлари ҳақида тушунча берилади ва жамоа шартномаси билан таништирилади. Корхонада касаба уюшма қўмитаси учун алоҳида хона жиҳозланган. Ходимлар учун кутубхона ва маънавият хоналари ташкил этилган. Ҳар ойда бир марта «Маънавият соатлари» ўтказилмоқда.

Корхонада ходимлар соғлигини назорат қилиб бориш ва касб касалликларининг олдини олиш мақсадида уларни тиббий кўрикдан ўтказиш тадбирларини бажариш масаласи кўриб чиқилади ва 2013 йилда тиббий хона ташкил этилиб, у ерда керакли дори-дармонлар ва шифобахш дамламалар мавжуд. Ҳамшира ҳар куни эрталаб ҳайдовчилар иш бошлашидан олдин қон босимини ўлчайди ва кўрикдан ўтказади. Ҳайдовчиларнинг дам олиши учун ҳам хона ажратилиб, жиҳозланган. Техника хавфсизлиги бўйича ишлар йўлга қўйилган. Алоҳида хона мавжуд бўлиб, мутахассис бириктирилган. Ҳудудий лабораторияларга биттадан вакил тайинланган.

Ходимлар саломатлигига катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақсадда қўмитамиз томонидан «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида Андижон, Наманган ва Фарғона ҳудудий лабораториялари ўртасида мусобақалар ташкил этилди. Ходимлар нафақат мусобақалашишди, бир-бирлари билан яқиндан танишиб, ўзаро тажриба алмашишди. Спорт тадбирининг Наманган вилоятидаги сўлим тоғ бағрида ўтказилганлиги иштирокчиларга ҳордиқ чиқариш имконини берди. Кейинги мусобақани Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги ҳудудий лабораторияларда ташкил этиш режалаштирилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# Давр билан ҳамнафас

**«Тошшаҳармахсустранс» бирлашмаси касаба уюшма ташкилоти таркибида 15 та бошланғич қўмита бор. Барчасида иш берувчи билан касаба уюшмаси ўртасида жамоа шартномаси имзоланган бўлиб, уларда меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари тўла кафолатланган.**

Обод турмуш йилида касаба уюшма ташкилоти қизғин фаолият кўрсатмоқда. Байрамлар муносабати билан ишчи-ходимлар моддий жиҳатдан рағбатлантирилди.

Меҳнат аҳлининг замондан ортда қолмаслиги, ҳаёт билан ҳамқадам бўлиши учун «Маънавият бурчаклари» ташкил этилиб, уларда кундалик газета-журналлар, бадиий ва сиёсий асарлар жойлаштирилди. Соғломлаштириш ҳамда спорт ишларига ҳам катта эътибор қаратилаётир. Жумладан, шахмат-шашка бўйича ўтказилган мусобақа ғолибларига касаба уюшма совғалари улашилди. Ишчи-ходимларнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳати уюштирилди. Цирк томошаларига бепул чипталар берилди. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги доимо назоратда. Ходимларнинг ишдан сўнг мириқиб ҳордиқ чиқариши ҳам назардан четда қолмаган. Юк ташувчи ва ҳайдовчилар учун дам олиш хонаси мавжуд. Ишловчилар сут-қатиқ ва махсус иш кийимлари билан таъминланган. Ойлик маош вақтида тўланаяпти. Меҳнат таътилига чиқадиганларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ходимларнинг яхши-ёмон кунларида раҳбарият ва касаба уюшма ташкилоти ҳамиша кўмакка шай. Юбилей саналари эсда қоларли ўтмоқда. Улуғ айём кунлари ёлғиз кексалар ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинаяпти. Бир қанча ишчи «Бўстон», «Оқтош», «Чорвоқ», «Чинобод» санаторийларида саломатлигини тиклаб қайтишди. Улардан икки нафарига текин йўлланма берилди. «Сўғдиёна — Сойлиқ» оромгоҳида меҳнаткашларнинг 20 нафар ўғил-қизи мириқиб дам олди.

— Меҳнат инсониятга берилган буюк туҳфа, — дейди бирлашма касаба уюшма қўмитаси раиси Абдуманноп Алимов. — У руҳий тетиклик бағишлаб, иқтисодий жиҳатдан юксалтиради. Шаҳримизнинг озода ва соз бўлишида озми-кўпми ҳиссамиз бор. Албатта, бундан фахр туямиз. Жамоамиз аҳли қўлни-қўлга бериб меҳнат қилаётир. Биз ҳам, ўз навбатида, уларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаяпмиз.

**Азиза АҲМАДЕЕВА**

## Саҳифа тайёрланаётганда

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Маънавият соатлари»да «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ҳамда Президентимизнинг «Ўзбекистон халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи мазмун-моҳияти хусусида сўз борди.**



# Меҳр – кўнгил малҳами

Тадбирда ЎзКУФК матбуот хизмати раҳбари М. Ўрмонбекова, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Б. Ҳамидов ва тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бўйича масъул ташкилотчиси Д.Аҳмедов, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари С.Аглаевлар мавзу юзасидан сўзга чиқиб, йиғилганларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтаришди.

Тадбир доирасида Шайхонтоҳур туман Ободонлаштириш бошқармасининг 8 нафар илғор ишчи хотин-қизларига «Ботаника» ҳамда «Бўстон» санаторийларида ўз саломатлигини тиклаши учун бепул йўлланма тақдим этилди.

— Камтарона хизматим касаба уюшмаси фаоллари назарига тушганидан мамнунман, — дейди Зуҳра Камолова. — Бугунги тадбирда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар ва аҳоли фаровонлиги йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар тўғрисида етарли маълумотга эга бўлдик. Энг муҳими, ҳаётимиз тинч, осмонимиз мусаффо, фарзандларимиз соғ-омон. Ана шу буюк неъмат қадрига етиб, меҳнат қилсак, асло кам бўлмаймиз.

**Саҳифани «Ishonch» мухбирлари Гўзал НОРЧАЕВА, Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

